

Гарчанд чор ҳукумати ағдарилган бўлса-да, лекин унинг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулми шўро давлати томонидан изчиллик билан давом эттирилди. Чоризм давридаги ҳақ-ҳуқуқсизлик, адолатсизлик, киргин-барот ва миллий бойликларнинг таланиши энг юкори чўккига кўтарилди. Тарихда кўрилмаган бундай фожиаларнинг барчаси салтанатпарастлик ва коммунистик гоёнинг махсули эди, холос. XX аср 30-йилларида Олмонияда ҳокимиятни эгаллаган фашистларнинг гоёси ҳам улугмиллатчилик ва салтанатпарастлик асосига қурилган эди. Уларнинг ирқчилик назарияси инсоният бошига не-не киргин-баротларни келтирмади, дейсиз.

Фашистлар 1939 йилда Иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбордилар. 1941 йил 22 июнда эса собиқ Совет Иттифокига ҳужум қилдилар.

Ушбу уруш бир халқ ва бир мамлакатнинг бошига тушган офат бўлмай, умумжаҳон ҳаёти ва келажагини барбод этувчи дахшатли ҳодиса эди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бу урушдаги иштироки қандай бўлган, деган савол тугилиши табиийдир. Ўзбекистон мудофаанинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа жамгармасига 649,9 милён сўм нақд пул, 4 миллиард 226 милён сўм заём пули, 52,9 кило олтин ва қумуш топширилди. Армияга 7 518 800 гимнастёрка, 2 636 700 пахталик, 2 221 200 этик ва қўнжли ботинка юборилди. Енгил саноат вазирлиги қорхоналари томонидан фронтга 246 918 700 сўмлик маҳсулот жўнатилган.

Кийинчилик ва хомашё етишмаслигига қарамасдан, Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 милён метр газлама ишлаб чиқарди. Шунингдек, кўп микдорда озик-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Чунончи, 1 282 000 тонна галла, 482 000 тонна картошка ва сабзавот, 1000 тонна полиз маҳсулоти, қуруқ ва ҳўл мевалар шулар жумласидандир. Фақат 1941 йилнинг иккинчи ярмида 59 минг бош от фронтга олиб кетилди. Республиканинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва тумани ҳамда айрим шахслар жангчиларга ёрдам қўлларини чўздилар. Масалан, 1942 йилнинг бошларида Бухоро вилоятидан 4059 жуфт иссиқ кийим, 9380 жуфт жун пайпок ва қўлқоп, 5660 калпок, 2750 шим, 3000 пўстин, 18,5 минг литр вино, қуруқ мевалар олинди. 1943 йилнинг бошларида Ленинградга Андижон вилоятидан 7884 кило ун ва бугдой, 5496 кило ёрма бугдой, 1160 кило гуруч, 418 бош қўй, 8510 кило қуруқ мева, Қорақалпоғистондан 224916 сўм нақд пул, 21614 кило бугдой, 5819 кило гўшт, 3700 кило гуруч жўнатилди.

Қорақалпоғистондаги Мўйнок балиқ комбинатидан 20 милён банка гўшт ва балиқ консерваси олинган эди. Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳам жангчилардан ҳеч нимани аямадилар. 1942 йилнинг кузида Сурхондарёдан 5998 бош қорамол, 18 тонна асал, 28 тонна ёғ, 31 тонна қуруқ мева, 3000 литр вино олинди. Тошкентдан 52 вагонда озик-овқат маҳсулотлари юборилди. 1943 йили Сурхондарё вилояти фронт эҳтиёжлари учун 14 милён сўм нақд пул, 330 тонна гўшт ва ёғ, 530 тонна бугдой, 180 тонна қуруқ мева, 33168 дона тери топширди.

Кийим-бош ва озик-овқат маҳсулотларини Самарқанд, Наманган, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳам фронтга жўнатиб турганлар. Шунингдек, ҳукумат вакиллари томонидан вагонларда катта микдорда совғалар олиб кетилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, 1942 йили республиканинг бир гуруҳ вакиллари Ленинградга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева олиб борганлар.

Урушнинг тўрт йили давомида Ўзбекистон давлатга 4 806 000 тонна пахта, 54067 тонна

пилла, 1 066 000 тонна галла, 195 000 тонна шоли, 108 000 тонна картошка, 374 000 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 35289 тонна курук мева, 57444 тонна узум, 1 593 000 тонна гўшт, 5 286 000 дона тери топширгани маълум. Улар ҳам мудофаа эхтиёжларига сарфланган, албатта. Бундан ташқари, уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси мудофаа жамгармасига жами 649 900 000 сўм нақд пул ўтказиб берган.

Ўзбек халқи ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам катта ёрдам берган. Чунончи, 1943 йили уларга 13 858 500 сўм пул, 1 308 400 кило озик-овқат, 20 750 кийим-бош, 40 000 кубометр ёқилғи, 73 500 пуд галла, 10 000 бош қўй, 2000 бош қорамол топирилган, 350 уй қуриб берилган. Шунингдек, ўзбек халқи Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойлардан қўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Жанг бўлаётган ҳудудлардан қўчирилган бир милён эрқағу хотин ва бола бошпана, кийим-бош ва озик-овқат билан таъминланди. 200 минг етим боланинг талай қисмини ўзбек оилалари ўз қарамоғларига олдилар, фарзандларидан кам кўрмай тарбияладилар. Ўзбек халқи жангга кетган турли миллат вакилларининг оилаларидан ҳам моддий ёрдамни аямади. Минглаб болалар Болалар уйларига жойлаштирилди. Давлат томонидан берилган ёрдам етарли бўлмагани учун ўзбек халқи уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди.

Ўзбекистон 113 ҳарбий касалхона — госпитални ҳам оталикка олди.

1943 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 24 милён сўм нақд пул, 300 минг кийим-кечак, 50 минг бош қорамол, 40 минг центнер галла, 20 минг центнердан ошқиб сабзавот берилди.

Ўзбекларнинг талай қисми “Ишчи батальони”га — Россияга сафарбар қилинди.

Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва ҳунар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, “Ишчи батальони”дагиларнинг сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40-50 ва ундан ҳам ортиқроқ эди. Қўпчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмагани орасида қўп қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг эскирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар. Мен ўзим Сибир госпиталида даволанаётганимда, ўлкамиздан борганларнинг ғадойчилик қилиб юрганлигининг гувоҳи бўлганман. Уларнинг соч-соқоллари ўсган, кийимлари ямалган ва қир босган эди. Уларнинг айтишига қараганда, очлик ва касалликдан ўлаётганлар оз бўлмаган. “Ишчи батальони”даги кишилар Ўрол, Қараганда, Қуйбишев, Саратов, Горкий, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославл, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Перм, Иркутск, Архангелск, Бошқирдистон, Татаристон, Удмуртия ва бошқа жойлардаги саноат қорхоналари ва қонларда ярим оч ҳолда меҳнат қилганлар. Қим қанчаси она юртдан узок жойларда қабансиз қўмилганлар.

Фашистларнинг тор-мор қилинишида Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурул-аслаҳалар катта аҳамият касб этди. Саноатнинг асосий қисми ҳарбий қурул ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, улар жанг майдонига узлуксиз юбориб турилди. Айрим маълумотларга қўра, 2100 самолёт, 17342 самолёт мотори, 17100 миномёт, 27 000 танкка қарши отадиган қамбарак қисмлари, 60 000 ҳарбий қимёвий анжом, 22 милён мина, 560 000 снаряд, 2 милён 318 минг авиация бомбаси, 1 милён дона граната, 100 қақиримдан зиёд сим, дала радиостанциялари, танк ва самолётлар учун 3 милёндан ортиқ радиолампа, 5 бронепоезд, 18 ҳарбий-санитар ва ҳаммом ўрнида фойдаланиладиган ҳамда қир ювиладиган поезд, 2200 қўчма ошқона олиб кетилди.

Шунингдек, ўзбек халкининг шахсий пуллари ҳисобидан тайёрланиб, жанг майдонига юборилган курол-аслаҳалар ҳам кам бўлмаган. Масалан, танк колонияси ва авиаэскадрилия куриш учун аҳолидан 320 000 000 сўм тўпланган.

Ўзбекистон 1943 йили немис-фашистларидан озод қилинган ҳудудларга ёрдам беришни бошлаб юборди. Масалан, мазкур йилнинг октябрида Ўзбекистондан Беларуссия, Украина ва Россиянинг душмандан тозаланган ерларига 800 нафар врач сафарбар қилинди. 1944 йилнинг биринчи ярмида эса Украинага 300 тонна галла, 8300 бош қорамол, 6700 бош қўй жўнатилди. 1943-44 йилларда озод этилган шахару қишлоқларга Қорақалпоғистондан 45 800 000 бош қорамол ва қўй юборилди.

Тошкент темирйўлчилари вагонларда турли хил жихозларни юбордилар. Собик Сталинградни тиклаш учун 350 нафар қурувчи борди. Хоразмликлар Харьковга ҳар хил қишлоқ ҳўжалик техникасини жўнатдилар. 1943 йил август ойида республикадан озод қилинган жойларга 1152 трактор, 25 комбайн, 1138 омор, 38 сеялка олиб кетилди.

Сентябр ойининг охирларида озик-овқат маҳсулотлари ва жихозлар тўлдирилган 374 вагон жўнатилди. 12 октябрда Украинага 450 вагонда совғалар билан бирга 300 тонна галла, 8300 бош қорамол, 10 минг жуфт оёқ қийим, 200 минг газлама моллари, касалхона, мактаб ва радиоузеллар учун жихозлар юборилди.

Воронеж ва Курск шаҳарларига 275 бош қорамол, 72 тонна галла, 24 тонна қуруқ мева олиб кетилди. Булардан ташқари, республика бўйича 300 тонна галла, 180 тонна қуруқ мева, 10 минг жуфт оёқ қийим, 200 минг метр газлама, 2600 минг сўм нақд пул, юк машинаси, телефон станцияси жўнатилди. Украина учун 350 трактор, 200 автомашина, 50 комбайн, 1500 омор берилди. Ставропол ўлкасига 1142 трактор, 400 сеялка 1142 нафар агроном ва ҳайдовчиси билан жўнатилди. Озод қилинган жойларга Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари 50 минг бош қўй ва 190 минг бош қорамол юборган. Шунингдек, немис-фашистларидан тозаланган республика ва вилоятларга 1944 йили 100 000 қитоб совға қилинган эди.

1943-44 йилларда озод қилинган ерларга Ўзбекистондан 13 000 дан ортиқ темирйўл мутахассиси, ҳунар билим юртларидан 15 000 ёш йигит собик Ленинград, Киев ва Дунайга йўл олди. Ўзбек халкининг озод қилинган жойларга қўрсатган ёрдами аслида сероб. Аммо умумий тушунча учун келтириб ўтилганлари етарли, деб ўйлайман.

Ўзбекистон саноат соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб, Россия, Украина ва бошқа жойлардан қўчириб келтирилган ўнлаб қорхоналарни жойлаштириб, уларнинг ишчи-хизматчиларини бошпана ва озик-овқат билан таъминлади.

Ўзбекистонда ҳарбий соҳада ҳам бекиёс ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 15 дивизия ва бригада тузилиб, уларда ўзбеклар салмоқли ўринни эгалладилар. Ўша ҳарбий қисмлардан ташқари ўн минглаб навиқрон йигит ҳаракатдаги армия сафларига юборилди. Тошкентдаги ҳарбий билим юртлари фронт учун бир неча минг қомандир ва сиёсий ҳодимларни тайёрлади. Урушнинг дастлабки ойларида Тошкент шаҳрининг ўзидан 100 минг йигит ва қисман аёллар ҳарбий хизматга жалб қилинди. Айрим маълумотларга қўра, Ўзбекистондан бир миллион киши фронтга олинган. Бироқ бу рақам унчалик тўғри эмас, деб ҳисоблайман. Чунки Олмонияда тузилган “Туркистон легиони” 1 миллион 800 минг кишини ўз ичига олган. Бу легионнинг раҳбарларидан бирининг сўзича, унинг таркибида тожик, қозок, турқман ва қирғизлардан ташқари ўзбеклар ҳам бўлган. Маълумки, жанг майдонларида қарим миллионга қарин ўзбек ҳалок бўлиб, қолган қарим миллионни ватанига қайтган. Бу икки рақам бир-бирига қўшилса, бир миллион бўлади. Энди “Туркистон легиони”дагилар ҳисобга

олинса, жангга тортилган ўзбекларнинг сони анча ошиб кетади.

Ўзбеклар Украина, Белоруссия, Москва, Сталинград, Кавказ, Крим, Курск, Днепр, Марказий ва Жануби-шарқий Европадаги жангларда катнашиб, Берлингача бордилар. Шунингдек, Япония билан урушда иштирок килдилар, партизан урушларида мардонавор курашдилар.

Шу тарика ўзбек халки Иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини ҳам, жонини ҳам тикди. Бамисоли топган битта нонини тўртга бўлиб, биттасини ўзига, колганини бевосита фронтга, сўнг республикага кўчириб келтирилганларга, жангга кетганларнинг оилаларига, харбий госпиталларга, фашистлардан озод килинган худудларнинг оч-ночор аҳолисига берди. Айти пайтда бир милёндан ошқ фарзандлари фашистларга қарши жангларда мардонавор курашди. Улардан бир неча юз минг киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Айти пайтда ўзбеклардан тузилган “Ишчи батальон”лар Россия ва бошқа турли жойларда фронт учун фидокорона меҳнат килдилар.

Бевосита жангларда 27 000 000 кишининг ёстиги қуриган, бошқа талофатларни ҳам қўшганда 30 000 000 киши нобуд бўлган Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам бекиёс катта талофат келтирди. Минглаб аёллар бева ва болалар етим бўлиб қолдилар.

Ота-оналар фарзандлари доғида қайғу-алам билан бу дунёдан қўз юмдилар. Уруш йилларида чек-чегараси йўқ ҳаражатлар халқни шу даражада қашшоқлаштирдики, таърифлашга қалам ожизлик қилади. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва қасалликлардан ўлди. Уруш ўзбек халқининг бор-йўғидан тамомила айирди, қўрпа-ёстиги, бошқа рўзгор анжомларидан мосуво бўлди, уй-жойи ҳаробага айланди, оч ва юпун бўлиб қолди. Очарчилик ва қасалликлар қишлоқларда авжига миниб, қўп одамларнинг ёстигини қуритди. Болаларнинг орасида ҳам ўлим қўп учрарди. Бироқ шўро давлатининг эътиборсизлиги туфайли уруш вақтида орттирилган қийинчилик ва азоб-уқубатлар тамомила бартараф қилинмади. Айтқиса, уруш ногиронларининг кадр-қиммати ўрнига қўйилмай, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Хуллас, уруш йилларида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани қўрмаган одамларнинг қўпчилиги қайғу-алам гирдобидида жон бердилар. Шунга ўхшаш уруш қатнашчиларининг талай қисми ёруғ қунларни қўрмади. Бироқ шунини унутмаслик керакки, ота-боболаримиз мисли қўрилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар ҳисобига бутун инсоният бошига тушган офатни бартараф қилишга улкан ҳисса қўшиб, жаҳон тарихида ўчмас из қолдиришди.

Бугун Мустақиллик шарофати ила ўша мудҳиш уруш йилларининг азобини тортган ва тирик қолган бахтли қишлоқлар ҳаёт гаштини қуриш шарафига муяссар бўлдилар. Мен ҳам шулар жумласиданман. Шаҳсан Юртбошимиз Ислам Қаримовнинг ташаббуси билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг кадр-қиммати ўрнига қўйилиб, иззат ва ҳурмат қўрсатилмоқда. Жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган қўп қилдлик “Ҳотира” қитоби чоп этилди. Ҳотира майдонида ажойиб мажмуа қурилиб, ҳалок бўлган ҳар бир инсоннинг номи зар ҳарфлар билан битилди.

Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам Ҳотира ёдгорликлари қад ростлади.

Ўйлайманки, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари келтирган дахшатли оқибатлар, умуман уруш фожияси ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳозирги авлодлар учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, улар билан танишган ҳар бир шахс бугун озод юртимизда ҳукм қураётган тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиши керак.

Ҳамид Зиёев, профессор

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 25-сонидан олинди.